

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ДОНИЁРОВ ШОХРУХ ЗАФАРОВИЧ

**ПРОБИОТИК ҚЎЛЛАНИЛГАН БРОЙЛЕР ЖЎЖАЛАР ЭРКИН ОЁҚ
СУЯКЛАРИНИНГ ПОСТНАТАЛ МОРФОГЕНЕЗИ**

**16.00.02 - Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси.
Ветеринар акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси биотехникаси**

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
ветеринарным наукам**

Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) on veterinary sciences

Дониёров Шохрух Зафарович

Пробиотик қўлланилган бройлер жўжалар эркин оёқ суяқларининг постнатал
морфогенези..... 3

Дониёров Шохрух Зафарович

Постнатальный морфогенез кости свободных конечности цыплят-бройлеров,
принимавших пробиотик 23

Doniyorov Shokhruh Zafarovich

Postnatal bone morphogenesis of the free limb of broiler chickens treated with a
probiotic..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ДОНИЁРОВ ШОХРУХ ЗАФАРОВИЧ

**ПРОБИОТИК ҚЎЛЛАНИЛГАН БРОЙЛЕР ЖЎЖАЛАР ЭРКИН ОЁҚ
СУЯКЛАРИНИНГ ПОСТНАТАЛ МОРФОГЕНЕЗИ**

**16.00.02 - Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси.
Ветеринар акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси биотехникаси**

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/V60 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.ssuv.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Дилмуродов Насриддин Бабакулович
ветеринария фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эшбуриев Бахтияр Маматкулович
ветеринария фанлари доктори, профессор

Турсагатов Жаҳонгир Маматович
ветеринария фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Ветеринария илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019.V.12.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «15» 12 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М. Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел./факс: (99866) 234-76-86; e-mail: ssuv@edu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14301 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел./факс: (99866) 234-76-86.

Диссертация автореферати 2022 йил «02» 12 куни тарқатилди.
(2022 йил «02» 12 даги №29-рақамли реестр баённомаси).



Х.Б.Юнусов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, биол.ф.д., профессор

Ш.Х.Қурбанов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, вет.ф.н., доцент

Қ.Н.Норбоев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, вет.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг кўпчилиги давлатларида аҳолини сифатли гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашда бройлер жўжаларни боқишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бройлер жўжалардан қисқа муддатда кам харажат сарфи билан парҳезбоп маҳсулот олишда «пробиотикларни қўлланиши уларнинг кунлик ўсишини 8,24% га, 1 кг ўсиши учун озиқа сарфини 6,63% га камайтиришини таъминлайди»¹. Шунингдек, паррандаларни парваришлашда уларнинг биологик хусусиятларидан самарали фойдаланиш, улар организмида кечадиган морфофункционал ўзгаришларни инобатга олган ҳолда физиологик жараёнларнинг кечиш қонуниятлари ҳамда уларга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш бўйича кўплаб илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Паррандалар организми сезувчанлигининг юқорилиги, ташқи муҳит омиллари билан бир қаторда, моддалар алмашинувини бирмунча жадал кечиши билан тавсифланиб, хусусан минерал моддалар захираси ҳисобланган суяк тизимида постнатал онтогенезнинг турли физиологик босқичларида рўй берадиган морфологик ўзгаришларни аниқлаш ҳамда илмий асосда озиқлантиришни мақбуллаштириб бориш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда паррандачиликни саноат асосида ривожлантириш, бройлер жўжаларнинг тез етилувчан ҳамда табиий шароитнинг турли ўзгарувчан омилларига мослашувчан зот ва кроссларини яратиш, уларни парваришлашни илмий асосда ташкил этиш, гўшт сифатини сақлаб қолиш учун антибиотиклардан камроқ фойдаланиш, улар организмнинг биологик қувватини ошириш ва касалликларга чидамлилигини озиқа рационига пробиотиклар, озиқа қўшимчалари ҳамда бошқа биологик фаол моддаларни қўшиш орқали эришишга йўналтирилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилаётганлигига қарамасдан, бройлер жўжалар постнатал онтогенезида минерал моддалар алмашинувида муҳим рол ўйнайдиган суяклар макро- ва микроанатомик, кимёвий ва гистологик кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси, уларнинг морфогенезига пробиотикларнинг таъсири етарлича илмий асосланмаган.

Республикамиз аҳолисининг сифатли ва экологик тоза паррандачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатимизда паррандачилик соҳасини ривожлантириш ва экспортга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини оширишда паррандаларнинг биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда илмий асосланган мақбул технологиялардан фойдаланиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада бройлер жўжалар постнатал онтогенезининг турли физиологик босқичларида организмнинг минерал моддалар захираси ҳисобланган суякларнинг морфологик ва кимёвий кўрсаткичларини ўзгариш динамикасини ҳамда ушбу жараёнларга пробиотикнинг таъсирини ўрганиш

¹ Подчалимов М.И., Грибанова Е.М. Эффективность использования разных пробиотиков и пребиотиков в кормлении цыплят-бройлеров // Вестник Курской государственной сельскохозяйственной академии. – Курск, 2013. – №4. – С. 53-55.

муҳим илмий-назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2018 йил 13 ноябрдаги ПҚ – 4015-сон «Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар», 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 14 июнидаги ПҚ-5146-сон «Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-121-сон «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 31 мартдаги ПҚ-187-сон «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2022 йил 15 июндаги ПҚ-281-сон «Паррандачилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор²лари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Паррандалар органларининг морфофункционал хусусиятлари, постнатал онтогенезнинг турли физиологик босқичларида ўзгариш хусусиятлари ҳамда морфогенез жараёнига биологик фаол моддалар, пробиотиклар ва ҳар хил озиқа қўшимчаларининг таъсири чет эл олимларидан: К.М.Агеева, В.Н.Бурдашкина, Л.В.Бусева, Л.Н.Гамко, С.Е.Ермаков, А.В.Косов, А.Г.Коссе, Н.Лазарева, И.С.Луговая, С.Лысенко, В.Н.Минченко, М.И.Подчалимов, Л.А.Селманович, Н.М.Abdel-Hafeez, А.М.Abudabos, W.A.Dozier, S.Huang, V.Laza, N.Mosleh ва бошқалар томонидан ўрганилган. Бройлер жўжалар постнатал онтогенезида суякларнинг морфофункционал ўзгариш хусусиятлари, суякларнинг шаклланиши ва ривожланишига пробиотикларнинг таъсири бўйича республикаимиз шароитида тадқиқотлар олиб борилмаган.

Паррандалар организмида кечадиган минерал моддалар алмашинувида муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳамда таянч-механик вазифани бажарувчи суяклар постнатал морфогенези ҳамда ушбу жараёнларга пробиотикларни таъсирини аниқлаш, бройлер жўжалар биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда улардан рационал фойдаланиш, экологик хавфсиз гўшт маҳсулотларини етиштириш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда уни жорий қилиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги ПҚ-281-сон “Паррандачилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий- тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг ПЗ-2020123121 рақамли «Парранда ва куёнлар касалликларини олдини олувчи ва даволовчи экологик тоза маҳаллий пробиотиклар яратиш» (2021-2023 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади – «РОСС 308» кроссига мансуб бўлган бройлер жўжалар постнатал онтогенезининг турли физиологик босқичларида пробиотик таъсирида олдинги (қанот) ва орқа оёқ суякларининг морфометрик, микроанатомик ўлчамлари, гистологик ҳамда кимёвий таркибининг ўзгариш динамикасини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пробиотик қўлланилган ва қўлланилмаган ҳар хил ёшга мансуб бройлер жўжалар олдинги (қанот) ва орқа оёқ эркин суяклари макроанатомик ўлчамларининг мутлоқ кўрсаткичларини аниқлаш;

пробиотик қўлланилган ва қўлланилмаган бройлер жўжалар постнатал онтогенезида олдинги (қанот) ва орқа оёқ стилоподий суяклари микроанатомик ўлчамларининг мутлоқ кўрсаткичларини аниқлаш;

пробиотик қўлланилган ва қўлланилмаган турли ёшдаги бройлер жўжалар олдинги (қанот) ва орқа оёқ суяклари макро- ва микроанатомик ўлчамларининг ўсиш коэффицентини аниқлаш;

пробиотик қўлланилган ва қўлланилмаган турли ёшга мансуб бройлер жўжалар стилоподий суяклари кимёвий таркибининг ўзгариш хусусиятларини аниқлаш;

пробиотик қўлланилган ва қўлланилмаган бройлер жўжалар постнатал онтогенезида стилоподий суяклари гистологик ўлчамларининг мутлоқ кўрсаткичларини аниқлаш;

бройлер жўжалар пробиотик таъсирида постнатал онтогенезнинг турли босқичларида олдинги (қанот) ва орқа оёқ эркин суяклари макро-микроанатомик, кимёвий ва гистологик кўрсаткичларининг ўзгариш хусусиятларини аниқлашдан иборат этиб белгиланган.

Тадқиқотнинг объекти Самарқанд вилояти «Дарғом парранда файз» МЧЖдан олиб келинган 1-, 7-, 14-, 21-, 28- ва 35-кунлик «РОСС 308» кроссига мансуб бройлер жўжалар, шунингдек улардан олинган олдинги (қанот) ва орқа оёқнинг эркин суяклари, пробиотик, гистологик препаратлар, бўёқлар ва кимёвий реактивлар.

Тадқиқотнинг предмети турли ёшдаги бройлер жўжалар олдинги (қанот) ва орқа оёқ эркин суяклари морфометрик ўлчамлари, елка ва сон суякларининг гистологик ва кимёвий кўрсаткичлари.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларда морфологик, кимёвий, Гимза-Романовский ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор пробиотик қўлланилган ва қўлланилмаган бройлер жўжалар

олдинги (қанот) ва орқа оёқ эркин суяклари макроанатомик кўрсаткичлари постнатал онтогенезнинг 14 кунлигига қадар жадал ривожланиши аниқланган;

пробиотик қўлланилган ва қўлланилмаган бройлер жўжалар постнатал онтогенезида олдинги (қанот) ва орқа оёқ стилоподий суяқларининг микроанатомик кўрсаткичларидаги тафовутлар исботланган;

пробиотик қўлланилган бройлер жўжаларда олдинги (қанот) ва орқа оёқ суяклари макро- ва микроанатомик ўлчамларининг ўсиш коэффициентининг юқори бўлиши аниқланган;

пробиотик қўлланилган ва қўлланилмаган бройлер жўжалар стилоподий суяклари таркибидаги кул, умумий органик модда, кальций ва фосфор миқдорларининг ўзгариш хусусиятлари илмий асосланган;

суткада 2 мл пробиотик қабул қилган бройлер жўжаларда стилоподий суяклари эпифизидаги остеобластлар, қизил илик, қизил илик синусоиди капиллярлари диаметрининг юқорилиги аниқланган;

бройлер жўжалар олдинги (қанот) ва орқа оёқ эркин суяқларининг макро-микроанатомик, кимёвий ва гистологик кўрсаткичларининг постнатал онтогенезда ўзгариш хусусиятлари, уларга пробиотикнинг таъсирини эътиборга олиб, уларнинг 7-кунига қадар бир кунда 2 мл ($1,0 \times 10^9$ КХБ) миқдордаги пробиотикни ичимлик сувига қўшиб бериш бўйича тавсия ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

пробиотик қўлланилган ва қўлланилмаган бройлер жўжалар постнатал онтогенезининг турли физиологик босқичларида олдинги (қанот) ва орқа оёқ эркин суяқларининг макроанатомик кўрсаткичларининг ўзгариш хусусиятлари аниқланган;

пробиотик қўлланилган ва қўлланилмаган бройлер жўжалар постнатал онтогенезида олдинги (қанот) ва орқа оёқ стилоподий суяқларининг микроанатомик кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси аниқланган;

бройлер жўжалар олдинги (қанот) ва орқа оёқлари эркин суяқларининг постнатал морфогенезига пробиотикнинг таъсирини аниқлашга эришилган;

пробиотик қўлланилган ва қўлланилмаган бройлер жўжалар постнатал онтогенезида стилоподий суяқларининг асосий кимёвий таркиби ҳамда гистологик тузилмаларининг шаклланиши ва ривожланиш қонуниятлари аниқланган;

бройлер жўжалар олдинги ва орқа оёқ эркин суяқларининг макро-микроанатомик, кимёвий ва гистологик кўрсаткичларининг постнатал онтогенезда ўзгариш хусусиятлари, пробиотикни таъсири, уларнинг 7-кунига қадар бир кунда 2 мл ($1,0 \times 10^9$ КХБ) миқдордаги пробиотикни ичимлик сувига қўшиб бериш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, морфологик, кимёвий, зоотехникавий усуллардан фойдаланиб бошланғич маълумотларга биометрик ишлов берилганлиги, шунингдек олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар

билан таққосланганлиги, тажрибаларнинг далолатномаларга асосланганлиги, олинган натижаларнинг мутахассислар томонидан тасдиқлаб баҳоланганлиги ва изланиш натижаларининг ўқув жараёнига ва ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пробиотик қўлланилган ва қўлланилмаган бройлер жўжалар постнатал онтогенезининг турли физиологик босқичларида оёқлар эркин суякларидаги макро- ва микроанатомик, кимёвий ҳамда гистологик ўзгаришларни илмий асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бройлер жўжалар учун таянч ва минерал тузлар захираси ҳисобланган стилоподий суякларининг асосий кимёвий таркиби, остеобластлар, остеокластлар, қизил илик, қизил илик синусоиди капиллярларининг морфологик шаклланишига пробиотикнинг таъсири, уларни қўллаш самарадорлиги бўйича илмий асосланган амалий тавсиялар берилганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пробиотик қўлланилган ва қўлланилмаган бройлер жўжалар эркин оёқ суякларининг постнатал морфогенези бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Бройлер жўжалар постнатал онтогенезида суяклар морфогенезига пробиотикларнинг таъсири» бўйича тавсиянома тасдиқланган ва ўқув жараёнига жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 12 сентябрдаги 02/23-395-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларнинг қўлланилиши натижасида паррандалар биологияси бўйича мавжуд маълумотларни бойитиш, ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлашда «таянч-ҳаракат» тизимини постнатал онтогенездаги ривожланиш қонуниятлари, пробиотиклар таъсирида уларнинг морфологик хусусиятларини аниқлаш имконини берган;

пробиотиклар бройлер жўжаларнинг ошқозон-ичак йўли микрофлорасини яхшилаши ҳисобига улар организмида моддалар алмашинуви жараёнини кучайтириши ҳамда суяклар таркибида айниқса, кальций ва фосфор макроэлементлари захирасининг ортишини таъминлаши асосида жўжалар постнатал онтогенезининг дастлабки кунидан 7-кунига қадар бир кунда 2 мл ($1,0 \times 10^9$ КХБ) миқдорда пробиотик ичимлик сувига қўшиб бериш усули ишлаб чиқилган ва ветеринария амалиётига жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 12 сентябрдаги 02/23-395-сон маълумотномаси). Натижада паррандалар морфологияси янги илмий асосланган маълумотлар билан бойитилган ҳамда пробиотик қўлланилган бройлер жўжаларнинг тирик вазнининг ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 4 та, шу жумладан 2 та халқоро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий

натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган. Олинган натижалар асосида 1 та услубий тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, мавзунинг Республика фан ва технологияларни ривожлантириш устивор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Паррандалар, организмининг постнатал морфогенези, таянч-ҳаракат органлари морфофункционал хусусиятларига пробиотиклар таъсирига оид илмий адабиётлар таҳлили**» деб номланган биринчи боби уч қисмга бўлинган бўлиб, мазкур бобнинг «Паррандалар таянч-ҳаракат органлари бўйича умумий маълумотлар» деб номланган биринчи қисмида паррандалар таянч-ҳаракат органларининг морфологик тузилишидаги хусусиятлар, ўқ ва периферик скелети таркибига кирувчи суякларнинг шаклланиши ва ривожланиш қонуниятлари, суякларнинг кимёвий таркиби ҳамда гистологик тузилмаларининг постнатал онтогенезда ўзгариш динамикасига оид дунё олимларининг илмий тадқиқот ишлари натижалари келтирилган. «Паррандалар организмининг морфофункционал хусусиятларига пробиотикларнинг таъсири» деб номланган иккинчи қисмида паррандалар ва бройлер жўжалар организми, хусусан суякларининг ўсиши ва ривожланишига пробиотиклар, ҳар хил биологик фаол моддалар, биостимуляторлар, озиқа қўшимчаларининг айниқса овқат ҳазм қилиш, иммун тизимлари органлари фаолиятига, метаболизм жараёнига ижобий таъсир кўрсатиши тўғрисида олимларнинг тадқиқот натижалари келтирилган.

«Паррандалар органларининг постнатал морфогенезига таъсир этувчи омиллар» деб номланган учинчи қисмда ҳар хил кроссга мансуб жўжалар ва товуқлар орган ва тўқималарининг постнатал онтогенезда ривожланишида магнит майдони, гелий-неон лазер нурлари, магнитланган сув, ҳар хил минерал моддалар, узоқ муддатли юқори ҳарорат, сақлаш шароитлари, селен, Е витамини, эфир мойи, кислороднинг манфий ионлари, юқори дозадаги ионизация, сунъий аэроионизация, бино ичидаги микроклим каби омилларнинг таъсири тўғрисида маълумотлар келтирилган. Адабиётлар таҳлилининг якуний хулосасида бройлер жўжалар рационига маҳаллий

пробиотиклар қўшиб берилганда постнатал онтогенезнинг ҳар хил физиологик босқичларида оёқлар эркин суяқларининг макроанатомик, микроанатомик, гистологик, кимёвий кўрсаткичларининг ўзгариб бориш хусусиятлари бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги баён этилган.


Диссертациянинг «Тадқиқотлар материаллари ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Тадқиқотлар Самарқанд вилояти «Дарғом парранда файз» МЧЖдан олиб келинган 1 кунлик «РОСС 308» кроссига мансуб бройлер жўжаларнинг суяклари устида олиб борилган. Ҳар бирида 40 бошдан жўжалар бўлган 4 та гуруҳга ажратилган. 1-гуруҳдаги жўжаларига озиқа ва сув берилган, 2- гуруҳдаги жўжаларига озиқа, сув ва профилактика мақсадида энрофлораксин (1мл/1 литр сувга) антибиотики қўшиб берилган, 3- ва 4-гуруҳдаги жўжаларга озиқага қўшимча равишда кунлик сувига 7 кун давомида СамДВМЧБУ мутахассислари томонидан ажратиб олинган *Bacillus subtilis* суспензиясидан тайёрланган пробиотик қўлланилган 3-тажриба гуруҳидаги жўжаларнинг 1 кунлигидан 7 кунлик даврига қадар 1 мл ($1,0 \times 10^9$ КХБ); 4-тажриба гуруҳи жўжаларига эса 2 мл ($1,0 \times 10^9$ КХБ) 1 литр ичимлик сувига қўшиб берилган. Морфометрик ўлчамлар тажрибанинг 1-, 7-, 14-, 21-, 28- ва 35-кунларида олинган. Лаборатория тажрибалари 2019-2022 йиллар давомида Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети «Ҳайвонлар анатомияси, гистология ва патологик анатомия» кафедрасида амалга оширилган.

Диссертациянинг «Бройлер жўжалар постнатал онтогенезида олдинги (қанот) ва орқа оёқ эркин суяқларининг морфометрик хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида пробиотик қўлланилган ва қўлланилмаган бройлер жўжалар олдинги (қанот) ва орқа оёқ суяқларининг макронатамик ўлчамлари ҳамда стилоподий суяқларининг микроанатомик кўрсаткичлари постнатал онтогенезнинг турли босқичларида ўзгариш хусусиятлари бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотлар натижасида пробиотик қўлланилган ва қўлланилмаган бройлер жўжалар эркин оёқ суяқларининг макроанатомик кўрсаткичлари постнатал онтогенезнинг дастлабки кунидан 7 ва 14 кунлигига қадар жадал ортиши ва кейинги 35 кунлигигача ушбу жараённинг босқичли тарзда кечиши аниқланди. Елка суягининг мутлоқ узунлиги 7-кунда 1-гуруҳда $1,15 \pm 0,035$ см дан $2,36 \pm 0,033$ см ($p < 0,02$; $K = 2,0$) га, 4-гуруҳда $1,18 \pm 0,04$ см дан $2,42 \pm 0,025$ см ($p < 0,02$) га, унинг оғирлиги эса 14-кунда 1-гуруҳда $0,6 \pm 0,007$ г дан $1,73 \pm 0,014$ г ($K = 2,9$) га, 4-гуруҳда $0,63 \pm 0,009$ г дан $1,9 \pm 0,031$ г ($K = 3,02$) га, 35 кунликка қадар бўлган давр мобайнида суяк оғирлигининг ўсиш коэффициенти 1-гуруҳда 25,8; 2-гуруҳда 25,86; 3-гуруҳда 26,06; 4-гуруҳда 27,2 мартага ортиши қайд этилди (1-расм).

Бройлер жўжалар постнатал онтогенезининг дастлабки кунидан 14 кунлигига қадар тирсак суягининг узунлиги 1-гуруҳда $1,24 \pm 0,027$ см дан $3,47 \pm 0,05$ см ($K = 1,55$) га, 35-кунда $5,88 \pm 0,07$ см ($p < 0,02$; $K = 1,13$) га, 4-гуруҳда мос равишда, $1,24 \pm 0,03$ см дан $3,6 \pm 0,05$ см га ва $6,0 \pm 0,05$ см га, унинг оғирлиги

эса 14 кунликка қадар 1-гурухда $0,13 \pm 0,004$ г дан $0,85 \pm 0,018$ г ($K=3,1$) гача, 4-гурухда $0,13 \pm 0,004$ г дан $0,9 \pm 0,016$ г ($K=2,9$) гача жадал ортиши, кейинги 35 кунликкача бу жараённинг катта оғишларсиз давом этиши, суякнинг бу кўрсаткичлари 2-ва 3-гурухдагиларда шу каби ўсиш динамикасини намоён қилиши кузатилди.



1-расм. Бройлер жўжалар елка суяги узунлигининг мутлоқ кўрсаткичлари (см)

Биринчи назорат гуруҳидаги бройлер жўжалар постнатал онтогенезининг 1-кунида сон суяги узунлигининг мутлоқ кўрсаткичи $1,9 \pm 0,06$ см га тенг бўлиб, 7-кунида $2,9 \pm 0,04$ см ($K=1,49$) га, 14-кунида $3,9 \pm 0,05$ см га, 35-кунда $6,5 \pm 0,08$ см га, 4-гурухдагиларда эса жўжаларнинг 1-кунида $2,0 \pm 0,02$ см га, 7-кунида $3,0 \pm 0,04$ см ($K=1,49$) га, 14-кунида $3,9 \pm 0,05$ см ($K=1,32$) га, суяк оғирлигининг мутлоқ кўрсаткичи чизикли ўлчамларига мос ҳолда 1-гурухдаги бройлер жўжалар постнатал тараққиётининг 1-кунидан 7-кунигача $0,4 \pm 0,005$ г дан $0,81 \pm 0,009$ г ($K=2,04$) га, 14-кунигача $2,49 \pm 0,04$ г ($K=3,07$) га, 35-кунигача $9,6 \pm 0,25$ г га, 4-гурухдаги жўжаларда бу кўрсаткични $0,41 \pm 0,009$ г дан 7 кунликда – $0,89 \pm 0,009$ г ($K=2,13$) га, 14 кунликда – $2,87 \pm 0,03$ г ($K=3,24$) га ва 35 кунликда $11,3 \pm 0,14$ г ($K=1,27$) гача кўтарилиб бориши аниқланди.

Бройлер жўжалар катта болдир суяги узунлиги ва оғирлиги мутлоқ кўрсаткичларининг ўсиш динамикаси постнатал онтогенезнинг ўрганилган босқичларида бошқа суяклардаги каби қонуниятга эга бўлиб, яъни унинг узунлиги 1-гурухдаги жўжаларда 7-кунда $2,8 \pm 0,07$ см дан $3,7 \pm 0,07$ см ($K=1,33$) га, 14-кунда $5,0 \pm 0,07$ см ($K=1,35$) га, 35-кунда $8,6 \pm 0,2$ см га, 4-гурухдагиларда 7-кунда $2,8 \pm 0,07$ см дан $3,8 \pm 0,05$ см га, 14-кунда $5,3 \pm 0,09$ см га, оғирлиги эса 1-гурухдагиларда 7-кунда $0,51 \pm 0,008$ г дан $1,17 \pm 0,024$ г ($K=2,23$) га, 14-кунда

3,4±0,06 г (K=2,9) га, 35-кунда 12,5±0,14 г га, 4-гуруҳдагиларда 14-кунда 0,52±0,006 г дан 3,94±0,06 г (K=3,1) га, 35-кунда 14,2±0,25 г гача ортиши қайд этилди. Бройлер жўжалар постнатал онтогенезининг дастлабки кунидан 35 кунлигига қадар мазкур суяк оғирлиги мутлоқ кўрсаткичининг ўсиш коэффиценти 1-гуруҳдагиларда 24,5; 4-гуруҳдагиларда 27,3 мартага етиши кузатилди.

Тадқиқотларимизда 1-гуруҳдаги бройлер жўжалар узангилик (цевка) суяги узунлигининг мутлоқ кўрсаткичи постнатал онтогенезнинг дастлабки 1-кунидан 7-кунга қадар 2,0±0,042 см дан 2,7±0,035 см га етиб, 14 кунлигига қадар бирмунча жадал ортиши (3,8±0,053 см; K=1,39) 2-гуруҳдаги жўжаларнинг 1 кунлигидан 7 кунлигига қадар 2,0±0,035 см дан 2,6±0,04 см (K=1,31) га етиши ва 14 кунлигига қадар бу жараён давом этиб 3,8±0,048 см (K=1,46) га ҳамда 35 кунликда 6,6±0,14 см гача кўтарилиб бориши, 3-гуруҳдаги жўжаларнинг 1-кунидан 14 кунлигига қадар 1- ва 2-гуруҳдагилар каби жадал ортиб, 2,0±0,042 см дан 3,9±0,043 см (K=1,36) гача кўтарилиши, 4-гуруҳдагиларнинг 1 кунлигидан 7 кунлигига қадар 2,0±0,04 см дан 2,9±0,035 см (K=1,43) гача ошиб, кейинги ўрганилган 35 кунлигига қадар бу ҳолатни босқичли тарзда давом этиши, яъни ушбу кўрсаткични 14 кунликда 4,0±0,05 см гача, 35 кунликда эса 6,9±0,08 см ($p<0,02$) гача, унинг ўсиш коэффиценти постнатал ривожланишнинг дастлабки кунидан 35 кунлигига қадар 3,45 мартагача кўтарилиши аниқланди.

Узангилик суяги оғирлигининг мутлоқ кўрсаткичи 1-гуруҳ жўжаларининг дастлабки 1 кунлигидан 7 кунлигига қадар 0,4±0,008 г дан 0,8±0,01 г (K=2,02) гача ортиб, ушбу жараённинг 14 кунликка қадар бирмунча жадал кечиши (2,14±0,06 г; K=2,7), 2-гуруҳдаги жўжаларнинг 14 кунлигига қадар жадал ортиб, унинг 7 кунлигидан 0,4±0,006 г дан 0,75±0,013 г (K=1,89) гача, 14 кунликда – 2,43±0,05 г (K=3,24) гача, 35 кунликда 8,3±0,21 г гача кўтарилиши, 3-гуруҳ жўжаларининг 1 кунлигидан 7 кунлигига 0,4±0,006 г дан 0,83±0,012 г (K=2,09) га, 14 кунликкача 2,38±0,04 г, (K=2,86) га, 35 кунликда 8,7±0,15 г гача, 4-гуруҳдаги жўжалар постнатал тараққиётининг дастлабки кунидан 14 кунлигига қадар 0,4±0,006 г дан 2,6±0,035 г (K=3,09) га етиши, 35 кунликда 9,15±0,1 г (K=1,35) гача ортиб бориши, ўсиш коэффиценти постнатал онтогенезнинг дастлабки кунидан 35 кунлигига қадар бўлган давр мобайнида 22,9 мартага етиши қайд этилди.

Орқа оёқ бармоқ суякларининг чизикли ўлчамлари ва оғирликларининг мутлоқ кўрсаткичлари бройлер жўжалар постнатал онтогенезининг дастлабки кунидан 35 кунлигига қадар бўлган давр мобайнида проксимал бўлими суяклариникига мутаносиб равишда ўзгариш динамикасини намоён қилиши кузатилди.

Бройлер жўжалар постнатал онтогенезининг ўрганилган босқичлари (1 кунликдан 35 кунликка қадар) давомида суяклар морфометрик ўлчамлари ўсиш коэффицентининг мутлоқ оғирликларида мутлоқ узунлигига нисбатан юқори бўлиши кузатилиб, ушбу ҳолат суякларда минерал моддаларнинг бирмунча жадал тўпланиши билан изоҳланади.

Суякларнинг чизикли ўлчамлари ва оғирликларининг мутлоқ кўрсаткичлари постнатал онтогенезнинг айниқса, 14 кунлигидан кейинги босқичларида кўшимча равишда пробиотиклар берилган 3- ва 4-гуруҳ бройлер жўжаларда юқори бўлиши аниқланди. Бизнингча, суякларнинг макроанатомик кўрсаткичларини пробиотик қабул қилган бройлер жўжаларда юқори бўлиши улар организмида озиқа моддаларнинг ўзлаштирилиши жадал кечиши билан боғлиқ.


Шунингдек, барча гуруҳдаги бройлер жўжалар тана вазнининг мутлоқ кўрсаткичи постнатал онтогенезнинг ўрганилган босқичлари давомида кўтарилиб борсада, ўсиш коэффицентини айниқса, 7 ва 14 кунликларда, 1 кунликдан 35 кунликка қадар уни пробиотик қўлланилган жўжаларда пробиотик қўлланилмаган гуруҳдагиларга қараганда юқори бўлиши қайд этилди.

Бройлер жўжалар стилоподий суякларининг микроанатомик кўрсаткичлари суякнинг анатомик қисмларини морфофункционал хусусиятлари билан боғлиқ равишда постнатал онтогенезнинг турли босқичларида ўзига хос динамикани намоён қилди. Елка суягининг проксимал эпифизи қалинлигининг мутлоқ кўрсаткичи 1-гуруҳ бройлер жўжалар постнатал онтогенезининг дастлабки кунидан 14 кунлигига қадар жадал ортиб, унинг 7 кунлигига $0,342 \pm 0,004$ см дан $0,391 \pm 0,008$ см гача, 14 кунлигига $0,523 \pm 0,011$ см ($K=1,34$) гача кўтарилиши, 21-кунда бу жараённинг бироз секинлашиши ва кейинги босқичларда яна жадаллашиб, 35-кунда $0,81 \pm 0,012$ ($K=1,17$) га етиши, 3-гуруҳда 14 кунликка қадар $0,582 \pm 0,001$ см га, 35-кунда $0,875 \pm 0,011$ см гача ортиши, мазкур кўрсаткич 4-гуруҳ жўжаларининг 14 кунлигига қадар бошқа гуруҳдагиларга нисбатан бирмунча жадал ортиб, $0,342 \pm 0,008$ см дан $0,616 \pm 0,01$ см ($K=1,49$) га етиши, 21-кунда уни деярли ўзгармаслиги кузатилди (2-расм).

Бройлер жўжалар постнатал онтогенезининг ўрганилган босқичлари давомида елка суяги дистал эпифизи қалинлигининг мутлоқ кўрсаткичи проксимал эпифизники сингари динамикага эга бўлсада, проксимал эпифиздагига нисбатан паст бўлиши билан тавсифланди. Дистал эпифизнинг қалинлиги 1-гуруҳ жўжалар постнатал онтогенезининг 14 кунлигига қадар $0,171 \pm 0,002$ см дан $0,286 \pm 0,01$ см ($K=1,23$) га, 35-кунда $0,427 \pm 0,011$ см га, 4-гуруҳда 14-кунда $0,371 \pm 0,01$ см ($K=1,44$) га, 35-кунда $0,515 \pm 0,007$ см гача ортиши қайд этилди.

Сон суяги проксимал эпифизи қалинлигининг мутлоқ кўрсаткичи 1-гуруҳ бройлер жўжалар постнатал онтогенезининг дастлабки кунидан $0,252 \pm 0,001$ см дан 14-кунда $0,436 \pm 0,006$ см ($K=1,54$) га, 35-кунда $1,032 \pm 0,001$ см ($p < 0,02$) га, 4-гуруҳ жўжаларнинг дастлабки кунидан 14-кунга қадар $0,251 \pm 0,002$ см дан $0,476 \pm 0,009$ см ($K=1,45$) га, дистал эпифизи қалинлиги 1-гуруҳда 14-кунга қадар $0,286 \pm 0,001$ см дан $0,479 \pm 0,007$ см ($K=1,47$) га, 35-кунда $1,258 \pm 0,016$ см га, 4-гуруҳда эса 14-кунда $0,285 \pm 0,001$ см дан $0,518 \pm 0,01$ см ($K=1,42$) га кўтарилиши, 35-кунда бошқа гуруҳдагиларга ва қуйи ёшдагиларга нисбатан энг юқори кўрсаткични ($1,296 \pm 0,015$ см; $p < 0,02$) намоён қилиши аниқланди.

Стилоподий суякларининг компакт моддаси қалинлигининг мутлоқ кўрсаткичи бройлер жўжалар постнатал онтогенезининг 14 кунлигига қадар жадал ортиши, 21-, 28-кунларда бу жараёни секинлашиши ва 35-кунда унинг барча гуруҳдагиларда камайиши кузатилади. Яъни, елка суяги дорсал компакт моддаси қалинлигининг мутлоқ кўрсаткичи 1-гуруҳ жўжаларнинг дастлабки кунда $0,055 \pm 0,001$ см бўлиб, 14-кунда $0,124 \pm 0,003$ см ($K=1,41$) гача кўтарилиб, 35-кунда $0,101 \pm 0,002$ см ($K=0,71$) гача пасайиши, мазкур кўрсаткичнинг 4-гуруҳда 7 кунликка қадар $0,056 \pm 0,002$ см дан $0,098 \pm 0,002$ см га ($K=1,75$) етиши, 14 кунликда ушбу жараёни давом этиши ($K=1,51$) ва 35-кунда эса бошқа гуруҳлардаги сингари сезиларли камайиши ($0,119 \pm 0,003$ см; $K=0,73$) қайд этилди.



2-расм. Бройлер жўжалар елка суяги проксимал эпифизи қалинлигининг ўзгариш динамикаси (см)

Сон суяги дорсал компакт моддасининг қалинлиги 1-гуруҳ бройлер жўжалар постнатал онтогенезининг дастлабки кундан 14 кунлигига қадар босқичли тарзда жадал кўтарилиб, 7-кунда $0,061 \pm 0,0009$ см дан $0,075 \pm 0,001$ см ($K=1,23$) га, 14-кунда $0,109 \pm 0,003$ см ($K=1,45$) га етади, 28-кунда бу кўрсаткични қуйи ёшдагига нисбатан пасайиши ($K=0,77$), 35-кунда эса унинг $0,159 \pm 0,003$ см га ортиши, 4-гуруҳда 14-кунда $0,061 \pm 0,001$ см дан $0,133 \pm 0,003$ см ($K=1,69$) га ортиши, 28-кунда бошқа гуруҳлардаги сингари бироз камайиб, 35-кунда кўтарилиши ($0,185 \pm 0,003$ см; $K=1,17$) кузатилди.

Бройлер жўжалар елка суяги илик бўшлиғи баландлигининг мутлоқ ўлчами постнатал онтогенезнинг дастлабки кундан ўрганилган 35 кунлигига

қадар суякнинг бошқа микроанатомик элементлари ҳамда озиқлантириш типлари билан боғлиқ равишда ўзига хос ўзгариш динамикасини намоён қилиши кузатилди. 1-гуруҳ бройлер жўжалар елка суяги илик бўшлиғи баландлигининг мутлоқ ўлчами постнатал ривожланишнинг 1-кунидан 7-кунига қадар жадал ортиб, $0,313 \pm 0,005$ см дан $1,38 \pm 0,02$ см ($K=4,41$) га етиши ва кейинги ўрганилган босқичларда бу жараёни деярли бир маромда давом этиши, 4-гуруҳ жўжаларда эса $0,342 \pm 0,005$ см дан $1,362 \pm 0,05$ см ($K=3,98$) га етиши, сўнгра ушбу жараён босқичли тарзда давом этиб, 35 кунликда $4,51 \pm 0,05$ см ($K=1,13$) га тенг бўлиши аниқланди. Суяк илиги бўшлиғи энининг мутлоқ ўлчами баландлигига мутаносиб равишда 1-гуруҳдаги жўжалар постнатал онтогенезининг дастлабки кунидан 7 кунлигига қадар $0,019 \pm 0,0006$ см дан $0,098 \pm 0,002$ см ($K=5,16$) га ва бу кўрсаткични 4-гуруҳдагиларнинг 7-кунига қадар $0,018 \pm 0,0004$ см дан $0,097 \pm 0,002$ см ($K=5,39$) гача ортиб, кейинги 35 кунликка қадар уни босқичма-босқич кўтарилиб бориши аниқланди.

Шунингдек, сон суяги илик бўшлиғи баландлигининг мутлоқ кўрсаткичи 1-гуруҳ бройлер жўжалар постнатал онтогенезининг дастлабки кунда $1,1 \pm 0,021$ см бўлиб, 14 кунликка қадар уни жадал ошиб бориши ($2,635 \pm 0,084$ см, $K=1,32$) га етиши, 4-гуруҳдагиларда дастлабки 7 кунликка қадар $1,203 \pm 0,011$ см дан $1,964 \pm 0,037$ см га ёки шу давр ичида унинг ўсиш коэффициентини 1,63 мартага кўтарилиши қайд этилди. Мазкур суяк илиги бўшлиғи эни 1-гуруҳ жўжаларнинг дастлабки кунидан 28 кунлигига қадар босқичли тарзда жадал кўтарилиб бориши, 4-гуруҳдаги жўжалар постнатал онтогенезининг 1-кунидан 14-кунигача $0,103 \pm 0,003$ см дан $0,162 \pm 0,006$ см га, 28-кунда эса $0,442 \pm 0,008$ см га етиши қайд этилди.

Елка суяги проксимал бўғим тоғайининг мазкур кўрсаткичи барча гуруҳлардаги жўжалар постнатал ривожланишининг дастлабки 1- ва 7 кунлигида $0,011 \pm 0,0003$ см га тенг бўлиб, кейинги 14-кунликдан бошлаб уни катта оғишларсиз камайиши, яъни 14-кунда 1- ва 2-гуруҳдаги жўжаларда $0,009 \pm 0,0002$ см ни, 3- ва 4-гуруҳдагиларда эса $0,01 \pm 0,0002$ см ($K=0,91$) ни, 35-кунларда бир хил ($0,008$ см) бўлиши, 4-гуруҳда эса у 28-кунда $0,009 \pm 0,0002$ см ($K=0,91$) га, 35-кунда $0,008 \pm 0,0001$ см ($K=0,88$) га тушиши аниқланди. Суяк дистал бўғим тоғайи қалинлигининг мутлоқ кўрсаткичи проксимал бўғим тоғайига мутаносиб равишда тўртала гуруҳдаги бройлер жўжалар постнатал онтогенезининг 1- ва 7-кунларида мутлоқо бир хил ($0,013$ см) бўлиб, кейинги 35 кунликка қадар уни сезиларсиз тарзда пасайиб бориши ($0,009$ см) кузатилди.

Сон суяги проксимал бўғим тоғайи қалинлигининг мутлоқ кўрсаткичи бройлер жўжалар постнатал тараққиётининг дастлабки кунда барча гуруҳларда бирмунча юқори бўлиб, у кейинги ўрганилган босқичлар давомида катта оғишларсиз 35-кунда 1-, 2-, 3-гуруҳларда $0,011$ см гача, 4-гуруҳда $0,012$ см гача тушиб бориши аниқланди.

Шундай қилиб, стилоподий суякларининг проксимал ва дистал эпифизининг қалинлиги постнатал онтогенезнинг дастлабки кунидан 14 кунлигига қадар жадал ортиши, 35 кунликда энг юқори кўрсаткични намоён қилиши, уни айниқса пробиотик қабул қилган бройлер жўжаларда жадал

кечиши, дорсал, пальмар ва плантар компакт моддаси қалинлигини 14 кунликка қадар жадал ортиши, 28 кунликдан бошлаб бу кўрсаткични камайиб бориши; суяк илиги бўшлиғи баландлиги ҳамда энининг мутлоқ ўлчами эса постнатал онтогенезнинг дастлабки кунидан 7 кунлигига қадар бирмунча жадал ортиши, кейинги кунларда уни босқичли кўтарилиб бориши аниқланди. Демак, суяклар микроанатомик қисмларининг постнатал онтогенезда ўзгариб бориши улар ўртасидаги интерпретация асосида кечади.

Диссертациянинг «**Бройлер жўжалар постнатал онтогенезида стилоподий суякларининг кимёвий ва гистологик кўрсаткичлари**» деб номланган тўртинчи бобида пробиотик қўлланилган ва қўлланилмаган бройлер жўжалар постнатал онтогенезида елка ва сон суяклари таркибидаги асосий кимёвий моддалар миқдори ҳамда гистологик тузилмаларининг ўзгаришларини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари ёритилган.

Бройлер жўжалар постнатал онтогенезида елка суягининг таркибидаги табиий ва гигроскопик намлик, умумий кул, органик моддалар, Са ва Р микдорларининг ўзгариб бориши ўзига хос хусусиятларни намоён қилиши қайд этилди. Стилоподий суяклари таркибидаги табиий намлик миқдори бройлер жўжалар постнатал ривожланишининг дастлабки кунда юқори бўлиб, 7 кунликда бу кўрсаткич деярли ўзгармасдан, 14 кунликда жадал камайиши кузатилди. Хусусан, елка суяги таркибидаги табиий намлик 1-гурух жўжалар постнатал онтогенезининг 1-кунида $43,6 \pm 0,8\%$ га тенг 14-кунда $35,8 \pm 0,86\%$ га, 2-гурухдагиларда $43,6 \pm 0,86\%$ дан $36,1 \pm 0,84\%$ га, 3-гурухдагиларда $43,7 \pm 0,6\%$ дан $36,3 \pm 1,3\%$ га 4-гурухдагиларда $43,8 \pm 0,4\%$ дан $36,8 \pm 1,3\%$ га, сон суягининг мазкур кўрсаткичи 1-гурухдагиларда $45,8 \pm 0,86\%$ дан $38,0 \pm 0,59\%$ га, 2-гурухдагиларда $45,8 \pm 0,84\%$ дан $38,5 \pm 0,83\%$ га, 3-гурухдагиларда $45,9 \pm 0,67\%$ дан $39,0 \pm 1,17\%$ га, 4-гурухдагиларда $46,0 \pm 0,61\%$ дан $39,5 \pm 1,25\%$ га камайиши, ва кейинги ўрганилган босқичларда сезиларсиз пасайиб бориши аниқланди.

Суяклар таркибидаги гигроскопик намликнинг нисбий миқдори эса табиий намликка тескари ўлароқ, бройлер жўжалар постнатал онтогенезининг дастлабки кунда паст бўлиб, кейинги ўрганилган босқичлар давомида унинг ортиб бориши қайд этилди. Яъни, елка суяги таркибидаги гигроскопик намлик микдорининг ўсиш коэффициенти 1 кундан 35 кунликка қадар 1-гурухда – 3,44; 2-гурухда – 3,5; 3-гурухда – 3,5; 4-гурухда – 3,71 мартага, сон суягининг ушбу кўрсаткичи 1-гурухда – 3,65; 2-гурухда – 3,55; 3-гурухда – 3,48; 4-гурухда – 3,63 мартага ортиши кузатилди.

Стилоподий суяклари таркибидаги умумий кул моддасининг нисбий миқдори жўжалар постнатал онтогенезининг 1 кунлигидан 14 кунлигига қадар жадал кўтарилиб бориши ва кейинги босқичларда бу жараёни секинлашиши кузатилди. Хусусан, елка суяги кул моддасининг нисбий миқдори 1-гурухдаги жўжаларда $31,79 \pm 0,5\%$ дан $39,44 \pm 0,69\%$ га, 3-гурухдагиларда $32,72 \pm 0,46\%$ дан $39,31 \pm 0,82\%$ га, 4-гурухдагиларда $31,77 \pm 0,43\%$ дан $39,96 \pm 0,88\%$ (K=1,19) га, сон суягининг бу кўрсаткичи 1-гурухдагиларда $32,12 \pm 0,4\%$ дан $38,39 \pm 0,66\%$ га, 2-гурухдагиларда $32,24 \pm 0,7\%$ дан $38,45 \pm 0,89\%$ га, 3-гурухдагиларда

32,11±0,44% дан 39,77±0,81% га, 4-гуруҳдагиларда 32,15±0,46% дан 39,91±0,76% га ортиши аниқланди.

